

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

МАЊАВИЙ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ХАТАРИ

Муҳтарам жамоат! Аллоҳ таоло биз инсонларга бошқа маҳлуқотларда бўлмаган тил орқали сўзлаш, фикримизни баён эта олиш имкониятини ато этди. Бу энг улуғ неъматлардан саналади. Динимизда тилни фақат яхшилик йўлида ишлатишими, ёмон гапларни сўзлашдан сақланишимиз таълим берилади. Мусулмон киши тилига жуда эҳтиёт бўлиши, оғзидан чиқаётган ҳар бир сўзи ё унинг фойдасига ёки зарарига хужжат бўлиб қолиши мумкин эканлигини асло унутмаслиги лозим. Аллоҳ таоло бу ҳақда биз бандаларини огоҳлантирган.

ما يَلْفِظُ مِنْ قَوْلٍ إِلَّا لَدِيْهِ رَقِيبٌ عَتِيدٌ (سورة ق/18).

яъни: Аллоҳ таоло айтади: “**У бирор сўзни талаффуз қилса, албатта, унинг олдида ҳозиру нозир бўлган бир кузатувчи** (сўзни ёзиб оловчи фаришта) **бордир**” (Коф сураси, 18-оят). Шунинг учун, Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي هَرِيرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: ”مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَيَقُلْ خَيْرًا أَوْ لِيَصُمُّتْ“ (متفق عَلَيْهِ).

яъни: Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади, Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: “**Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса яхши гап гапирсан ёки жисм турсин**” (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Ислом динимиз биз мўмин-мусулмонларни бир қанча гуноҳ саналган ишлардан қайтарганки, улар асосан тил орқали содир этилади ва уларни бир сўз билан мањавиј жиноятлар деб атаемиз. Ана шундай мањавиј жиноятлардан ғийбат, тухмат, бўхтон қабиларни санаб ўтишимиз мумкин. Қуръони карим оятлари ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадисларида ушбу гуноҳлардан қатъий қайтарилиган.

وَ لَا يَغْتَبْ بَعْضُكُمْ بِعْضًا أَيْحُبُّ أَحَدُكُمْ أَنْ يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ وَاتَّقُوا اللَّهَ...
إِنَّ اللَّهَ تَوَابُ رَحِيمٌ (سورة الحجرات/12).

яъни: Аллоҳ таоло айтади: “... ва бирингиз бирингизни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг гўштини ейишни хоҳлайдими?! Уни ёмон кўрасиз-ку, ахир! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва раҳмли зотдир” (Хужурот сураси, 12-оят).

Фийбат нима эканлиги ҳақида Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан қуидаги ҳадис ривоят қилинган:

عن أبي هريرة رضي الله عنه أنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "أَتَدْرُونَ مَا الْغَيْبَةُ؟" قَالُوا: "اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ" قَالَ: "ذِكْرُكُ أَخَاكَ بِمَا يَكْرُهُ" قِيلَ: "أَفَرَأَيْتَ إِنْ كَانَ فِي أَخِيِّي مَا أَقُولُ؟" قَالَ: "إِنْ كَانَ فِيهِ مَا تَقُولُ فَقَدْ اغْتَبْتُهُ وَإِنْ لَمْ يَكُنْ فِيهِ مَا تَقُولُ فَقَدْ بَهَتْهُ" (رواه الإمام مسلم).

яъни: Абу Хурайра (р.а.)дан ривоят қилинади, Расулуллоҳ (с.а.в.): “*Фийбат нима эканлигини биласизларми?*” – деб сўрадилар. Саҳобалар: Аллоҳ ва Унинг Расули билгувчироқдир, дейишиди. Расулуллоҳ (с.а.в.): “*Биродарингизни унга ёқмайдиган сифати билан элашингиз*”, дедилар. Улар: Агар биродаримизда биз айтган сифат бўлсачи? – деб сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): “*Агар унда сиз айтган сифат бўлса, гийбат қилган бўласиз. Агар сиз айтган сифат унда бўлмаса, у ҳолда бўхтон қилган бўласиз*”, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Мұхтарам азизлар! Жамиятда ғийбат, бўхтон, ёлғончилик каби маънавий жиноятларнинг авж олиши ва турли миш-мишларнинг тарқалиши охир оқибат шу жамиятдаги кишилар ўртасида бир-бирларига нисбатан ўзаро ишончсизлик, ҳатто адоват ва нафратни юзага келтиради.

Пайғамбар (с.а.в.) катта-ю кичик жиноятларнинг олдини олиш мақсадида шундай марҳамат қилганлар:

عن أبي بَكْرٍة رضي الله عنه أنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فِي حُطْبَتِهِ يَوْمَ التَّحْرِيرِ بِمِنَى فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ: "إِنْ دِمَاءَكُمْ وَأَمْوَالَكُمْ وَأَغْرَاضَكُمْ حَرَامٌ عَلَيْكُمْ كَحُرُمَةٍ يَوْمِكُمْ هَذَا فِي شَهْرٍ كُمْ هَذَا فِي بَلَدِكُمْ هَذَا أَلَا هَلْ بَلَغْتُ" (متفق عليه).

яъни: Абу Бакра (р.а.)дан ривоят қилинади, Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳажжатул вадоъда Ҳайит куни Минода туриб айтган хутбаларида жумладан шундай дедилар: “*Албатта, қонларингиз, молларингиз ва обрўларингизни тўкиши бир-бирингизга ҳаромдир, ҳудди шу қунингиз, шу ойингиз ва шу ерингизнинг ҳурмати каби. Сизларга етказдимми?!*” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти). Бошқа бир ҳадисда шундай дейилган:

عن أبي موسى رضي الله عنه قال، قلتُ: "يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيُّ الْمُسْلِمِينَ أَفْضَلُ؟" قَالَ: "مَنْ سَلَمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ" (متفق عليه).

яъни: Абу Мусо (р.а.) ривоят қилиб айтадилар: Ё Расулуллоҳ, мусулмонларнинг қайси бири афзал? Расулуллоҳ (с.а.в.) жавоб бердилар: “*Мусулмонлар унинг тилидан ҳам, қўлидан ҳам саломат бўлгани*” (Имом Бухорий ва Муслим ривояти). Демак, ўзгаларга тили билан озор беришлик мусулмончиликдан эмас экан. Чунки, мусулмон сўзининг ўзи барчага тинчлик, яхшилик тиловчи деган маънони англатади. Бир инсонга салом бериб туриб, ортидан ғийбат ёки бўхтон қилса, у ҳақида тухмат гапларни тарқатса албатта, бу иши мусулмончиликка зид, балки мунофиқлик саналади.

Ўз навбатида бундай оғир гунохнинг жазоси ҳам ўзига муносиб бўлади. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан шундай ҳадис ворид бўлган:

عن أنسٍ رضي الله عنه قال، قالَ رسول الله صلى الله عليه وسلم: "لَمَّا عُرِجَ بِي مَرْتُ بِقَوْمٍ لَهُمْ أَطْفَارٌ مِنْ نُحَاسٍ يَخْمِشُونَ وَجُوهُهُمْ وَصُدُورُهُمْ فَقُلْتُ: مَنْ هُؤُلَاءِ يَا جَبْرِيلُ؟ قَالَ: "هُؤُلَاءِ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ لُحُومَ النَّاسِ وَيَقْعُونَ فِي أَعْرَاضِهِمْ" (رواه الإمام أبو داود).

яъни: Анас (р.а.)дан ривоят қилинади, Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “*Меъроjж кечаси мен бир қавмнинг ёнидан ўтдим. Уларнинг мисдан тирноклари бўлиб, ўзларининг юзлари ва кўкракларини тирнар эдилар. Мен: Ё Жаброил, булар кимлар? – деб сўрадим. У: Булар одамларнинг гўштини еган* (яъни ғийбат қилган), *обруларини тўккан кишилар, деб жавоб берди*” (Имом Абу Довуд ривояти).

Шундай экан, дунё ва охиратда хасрату надомат келтирадиган бу каби гуноҳлардан сақланайлик. Аллоҳ таоло барчаларимизни тинчлик ва омонлиқда, ўзаро ҳурмат ва иззатда умргузаронлик қилмоғимизни насибу рўзи айласин! Омин!

ТЕЗИСГА ИЛОВА

Жиноятчиликка қарши қурашда ҳеч ким лоқайд бўлиши мумкин эмас

Мухтарам ализлар! Инсон учун хур ва озодликдан улуғроқ неъмат йўқ. Аллоҳ таоло инсонни азалда озод қилиб яратиб, унга бу ҳаётда берилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўзи яшаб турган заминни обод этиш масъулиятини юклаган. Афсуски, баъзи инсонлар ўзига юклатилган бундай шарафли масъулиятни унутиб, ҳаёт неъматининг қадрига етмай, билиб-бilmай турли хилдаги жиноятларга қўл уриб қўяди. Жиноятга эса, жазо муқаррарлиги сабабли озодлик деган азиз неъматдан маҳрум этилади. Сўнгги пушаймоннинг бефойдалиги эса, мусибат устига мусибат саналади.

Барчамизга маълумки, мухтарам Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида”ги Фармонига биноан 2700 нафар шахс маҳкумлиқдан озод этилди. Ҳозирги кунда улар ўз оиласалига қайтдилар. Дарҳакиқат, жазо беришга қодир бўла туриб афв этиб юбориш накадар савобли иш. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган:

فَاغْفِرْ عَنْهُمْ وَاصْفَحْ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ  (سورة المائدة/13).

яъни: “**Уларни афв этинг ва кечиринг!** Албатта, Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севади” (Моида сураси, 13-оят).

Шундай экан, ўз навбатида афв этилиб озодликка чиқарилган шахсалар ҳам бунга жавобан ўтмишда қилган хатоларини такрорламасликка азму қарор қилиб, қолган ҳаётларини оиласига, маҳалла-кўй ва жамиятига

манфаатли тарзда ўтказмоқлари лозим бўлади. Зеро, яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш ҳам қарз, ҳам фарз. Қуръони каримда ҳам айтилган:

هَلْ جَزَاءُ الْإِحْسَانِ إِلَّا الْإِحْسَانُ  (سورة الرحمن/60).

яъни: “Эҳсон (эзгулик)нинг мукофоти фақат эҳсон (эзгулик)дир” (Ар-Раҳмон сураси, 60-оят).

Президентимиз ҳар бир маъruzalарида инсон тақдирини, унинг манфаатини юқори қўйиб гапирмоқдалар. Ҳар бир қилаётган ишимиз, бугунги кескин ўзгаришларимиз фуқароларнинг тинчлиги, фаровонлиги учун эканлигини қайта-қайта таъкидламоқдалар.

Айтайлик, бир кушни қанотларини боғлаб уч-тўрт кун хонага қамаб қўйдингиз. Сўнг раҳмингиз келиб қўйиб юбордингиз. Эътибор берган бўлсангиз, у қуш бирданига кўкка парвоз қила олмайди. Уни авайлаб кафтингизда тутиб бир оздан сўнг салгина имо қилсангиз, у ҳавога қийналмай парвоз қиласди. Айтмоқчимизки, маҳкумликдан озод қилинган шахс ҳам шу тутқинликдан чиқарилган қушга ўхшайди. Дарров ҳаётда ўз йўлини топа олмайди. Оиласига, маҳалласига мослашишга, ишга киришга қийналади.

Шундай вактда қўни-қўшнилар, маҳалла фаоллари уларнинг ёнига кириб, маҳаллага сингиб кетишига, тўю тадбирларга тортинмай қатнашишига, энг зарури иш билан таъминланишига яқиндан кўмак беришлари жуда муҳимдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам кўплаб ҳадисларида мўмин-мусулмонларни бир-бирига биродар эканлигини таъкидлаб ўтганлар. Жумладан:

عَنِ النَّعْمَانَ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَثُلُ الْمُؤْمِنِينَ فِي تَوَادِهِمْ وَتَرَاحُمِهِمْ وَتَعَاطُفِهِمْ مَثُلُ الْجَسَدِ إِذَا اشْتَكَى مِنْهُ عُضُوضُ تَدَاعَى لَهُ سَائِرُ الْجَسَدِ بِالسَّهْرِ وَالْحُمَّى"

(رواه الإمام البخاري و الإمام مسلم).

яъни: Нуъмон ибн Башир (р.а.)дан ривоят қилинади, Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Мўминларнинг ўзаро бир-бирларига нисбатан меҳру мухаббат ва ҳамжихатликларининг мисоли бир танага ўхшайдики, ундаги бир аъзо оғриса тананинг бошқа аъзолари бедорлик ва иситма билан унга ҳамдард бўладилар” (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Бизлар юртимизда амалга оширилаётган бу каби хайрли ишларга ривож тилаб, Юртбошимизни дуо қилишимиз, қолаверса амалий ҳаракатларимиз билан юртимиз равнақи, халқимизнинг имонли, эътиқодли бўлишига муносиб хисса қўшишимиз лозим бўлади.